# Набий алайҳиссаломнинг кўрсатмалари




04:46 / 18.09.2025 1070

Ҳар биримиз гуноҳларимизнинг ўчирилиши учун ҳар қандай оғир ишни қилишга ҳам тайёрмиз. Аммо бунинг жуда осон йўли бор экан. Ўша йўлни Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам кўрсатиб:

**«Ким бир кунда юз марта «Субҳаналлоҳи ва биҳамдиҳи» деса, унинг хатолари денгиз кўпикларича бўлса ҳам ўчирилади», дедилар».**

Мана шу жуда ҳам осон ишни ўзига кундалик вазифа қилиб олган одам улкан бахт соҳиби бўлади.

***«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 35-жузи***

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 2 августдаги 02-07/6202-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.